



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

№1

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2024



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**  
и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**  
и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**  
и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**  
и.ф.д. Ф.А.Сафаров  
катта ўқит. Ш.З.Ўразов

**Техник муҳаррир:**  
и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**  
PhD С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**  
ассис. Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

**Ўзбекистон ҳудудида  
тарқатилади.**

**Тахририят манзили:**  
140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темура кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғойбназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод  
фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти в.б., DSc

<b>БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ</b>	
<b>Комил Бахрамович Уразов, Лобар Джафаркуловна Алиева</b> Корхоналар соф активларидаги ўзгаришларга аудиторлик баҳосини бериш	160
<b>БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ</b>	
<b>Хуббим Аскарлович Улашев</b> Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш орқали камбағалликни қисқартиришга эришиш чоралари	167
<b>Ашур Али Рустам ўғли Латипов</b> Иқтисодиётнинг турли соҳаларида ўзини ўзи банд қилиш билан боғлиқ хизматларнинг асосий йўналишлари	172
<b>ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА</b>	
<b>Ithom Begmatdulobovich Mattiyev</b> Talabalarda salomatlikni ta'minlash jarayonida jismoniy tarbiya va sog'lomlashtirishga bo'lgan dunyoqarash omillari	178
<b>Акмал Алимжонович Салимов</b> Таълим тизимини самарали бошқаришда “умр давомида таълим” концепциясининг ўрни	182
<b>Sherzod Alimardonovich Kuldashev</b> Та'лим хизматлари bozorida oliy ta'lim muassasalari raqobatbardoshligini oshirishning muhim omillari	186
<b>Mirzabek Kulmamatovich Jonuzokov</b> O'zbekiston oliy ta'limida investitsiyaviy jozibadorlik: muammo va yechimlar	191
<b>ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР</b>	
<b>Мамаюнус Пардаев, Мурод Муҳаммедов</b> Таълим соҳасида Япония ва Хитой тажрибаларидан айрим битиклар	197

**БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ**

Хуббим Аскарлович Улашев – СамИСИ “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси доценти,  
иқтисод фанлари номзоди

**МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ОРҚАЛИ  
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШГА ЭРИШИШ ЧОРАЛАРИ**

**Аннотация:** ушбу мақолада макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг зарурати, мақсад ва вазифалари ёритилган. Мақолада асосий урғу камбағаллик ва ундан кутулиш чора-тадбирларига бағишланган бўлиб, қашшоқликни камайтириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** иқтисодий сиёсат, макроиқтисодий барқарорлик, давлат бюджети, миллий валюта, ички бозор, нарх, аҳоли, миллий ўлчов, даромад, иқтисодиёт, тармоқ, тадбиркорлик, инвестиция, рақобат, самарадорлик, тадбирлик, сифат, бизнес-режа, ижтимоий ҳимоя.

**Кириш.** Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бугунги кунда дунёнинг турли нуқталарида нотинчлик сақланиб қолаётган бир даврда барча мамлакатлар ва миллатлар олдида турган энг муҳим ва долзарб вазифалардан биридир. Countrymeters лойиҳаси маълумотларига кўра 2022 йилнинг 15 августида дунё аҳолисининг сони 8 млрддан ошди. Уларнинг 4,04 млрд. нафари эркак, 3,96 млрд.нафари аёллардир. Бу билан эркаклар ва аёллар сони ўртасидаги тафовут 1,018 ни ташкил этмоқда<sup>1</sup>. Дунё аҳолисининг бу даражада кескин ўсиши камбағаллик даражасига барҳам бериш, туйиб овқатланмаслик, аҳоли соғлиғини сақлаш, таълим тизимини қамраб олиш, ҳамда миграция тизимини тўғри ташкил қилиш каби долзарб муаммоларни юзага келтиради.

Бутун дунёда кузатилаётган геосиёсий жараёнлар таъсирида юзага келаётган глобал молиявий инқироз ҳеч биримизга сир эмас. Мазкур глобал молиявий инқирознинг мамлакатимизга таъсирини юмшатиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракат халқларимиз фаровонлигини яхшилашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Бутун дунё иқтисодиётининг ривожланишини яхлит бир жараён сифатида тадқиқ қилиш, дастлаб Ф.Кенэ асарларида учрайди. “Кенэ жадвали” ни тузишда илк бор Ф.Кенэ макроиқтисодий таҳлил элементларидан фойдаланган. Макроиқтисодий таҳлилнинг элементлари Ж.Б.Сэй, Л.Вальрас, В.Парето ва бошқа олимлар томонидан XIX асрдан бошлаб ўрганилган.

Макроиқтисодий барқарорликни янада мустақамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, Давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш – энг муҳим вазифамиздир<sup>2</sup>.

Н.Тухлиевнинг “Ўзбекистон иқтисодиёти асослари”номли китобида классик иқтисодий адабиётларда макроиқтисодий барқарорликка эришиш бўйича икки хил назарий ёндашув шаклланганлигини ифода этган.<sup>3</sup>

Б.Беркинов ва Ф.Маматоваларнинг “Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш йўллари” номли илмий – оммабоп рисоласига кўра “Макроиқтисодий барқарорлик мамлакат иқтисодий ўсишини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Макроиқтисодий барқарорлик инфляциянинг паст даража бўлган ва реал алмашинув курси рақобатлаша оладиган даражада бир маромда бўлган ҳолатини англатади”<sup>4</sup>.

Х.Абулқосимов “Макроиқтисодий барқарорлик – деганда, мамлакатда асосий

<sup>1</sup> <https://www.gazeta.uz/oz/2022/08/15/population/>

<sup>2</sup> Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб – интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Т.: “Ўзбекистон”. 2017 й. 24 – бет.

<sup>3</sup> Тўхлиев Н. ва бошқ. “Ўзбекистон иқтисодиёти асослари”, Т.: 2005.

<sup>4</sup> Беркинова Б.Б., Маматова Ф.Х. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш йўллари. – ТДИУ, 2011.

макроиктисодий кўрсаткичлар: ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши, инфляция, валюта курси, ишсизлик даражаси, тўлов баланси ва бошқаларнинг мувозанати бузилмасдан иқтисодиётни барқарор ҳолатда ривожланиши тушунилади”<sup>1</sup>.

Н.М.Махмудов, А.Х.Ҳақимов “Макроиктисодий барқарорлик – миллий иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришилган, инфляция суръати жиловланган, миллий валюта девальвация даражасининг узоқ муддатли паст суръатларига ва тўлов баланси барқарорлигига эришилган, давлат қарзи ва бюджет тақчиллиги ижобий даражасида бўлиши таъминланган, ташқи таъсирларга барқарор тура олиш қобилиятига эга бўлган ҳолатдир”<sup>2</sup>.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот диалектик дунёқараш тамойиллари асосида бажарилди. Инновация ва инвестиция жараёнларини ўрганишда иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга узвийликда ва тизимли ёндашув услуби қўлланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Дунёнинг турли минтақаларида содир бўлаётган урушлар, ҳарбий тўқнашувлар, табиат ҳодисалари мамлакат иқтисодиётига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Ушбу ҳодисалар таъсирида бутун дунёда ижтимоий-иқтисодий қолоқлик ва мамлакатлар аҳолисининг қашшоқлик даражасини ортиши юзага келади.

Бугунги кунда 1,2 миллиардгача киши очарчиликдан азият чекаётган бўлса, 1,7 миллиарддан ортиқ аҳолининг ўртача умр кўриши ёши 60 ёшга етмайди, 1,5 миллиарддан ортиқ кишиларнинг тиббий хизматлардан фойдаланиш имконияти умуман йўқ, шу билан биргаликда 1 миллиарддан ортиқ одамлар ўта камбағал турмуш кечирмоқда, 200 миллиондан ортиқ бола мактаб таълимини олмаётган бўлса, жаҳонда 800 миллиондан зиёд инсонлар умуман саводсиз, улар ўқиш ва ёзишни билмайди<sup>3</sup>.

2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали sanoатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»<sup>4</sup> муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берилди.

Жаҳон банки Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг 2023 йилда 5,1 фоизга ўсишини прогноз қилди. Бу Европа ва Марказий Осиё минтақасидаги энг юқори кўрсаткич. Россиянинг Украинадаги уруши ва санкцияларнинг оқибатлари озик-овқат ва энергия нархларига таъсир қилишда давом этади.

Ўзбекистонда 2023 йилда иқтисодий ўсиш 5,1 фоизни ташкил этади ва ўрта муддатли истикболда (кейинги икки йилда мос равишда 5,4 фоиз ва 5,8 фоиз) босқичма-босқич тезлашади, дейилади Жаҳон банки томонидан 6 апрелда чоп этилган «Европа ва Марказий Осиё минтақаси иқтисодиётига шарҳ» ҳисоботида.

Транспорт ва туризм соҳасида хизматлар экспорти 53 фоизга ошди. Бу Россиядан келаётган сайёҳлар ёки эмигрантлар сонининг 3 баробар ортгани, шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан келган сайёҳлар сонининг кўпайиши билан изоҳланади.

2022 йилда пул ўтказмалари ЯИМга нисбатан икки баравар кўпайиб, 18,9 фоизни ташкил этди. Бунга Россия рублининг мустаҳкамланиши ва мигрантлар оқимининг кўпайиши сабаб бўлмоқда. Ушбу молиявий оқимларнинг баъзилари Россиянинг Украинага бостириб кириши ортидан Ўзбекистонга кўчиб келган россияликлар ва россиялик компаниялардан шахсий пул ўтказмаларининг кўпайишида акс этади.

“Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган устувор йўналишлар мамлакатимизни “Даромади ўртачадан юқори бўлган

<sup>1</sup> Абулқосимов Х.П ва бошқалар. Давлатнинг макроиктисодий сиёсати. Академия. 2007 й.

<sup>2</sup> Н.М.Махмудов, А.Х.Ҳақимов. Макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш – барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим шартидир. Иқтисодиёт ва таълим. 2017 й. №2. 7-11 бетлар.

<sup>3</sup> <http://geografiya.uz/10-sinf-geografiya/11309-insoniyatning-global-muammolari.html>

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

давлатлар” каторига кириши учун асос бўлади деб ўйлаймиз.

Жаҳон банки “камбағалликнинг халқаро кўрсаткичи” тушунчасини янада тушунарли тарзда тўлдириб, даромадлар бўйича камбағаллик таснифини киритди. Бу ҳолда асосий ёндашув бир хил бўлади - фуқароларнинг даромад даражаси тўртта гуруҳдан бирига кирадиган мамлакатларда камбағаллик миллий чегарасининг қийматига асосланади:

- кам даромадли мамлакатлар (йилига бир кишига 1035 доллар ёки ундан кам);
- ✓ паст-ўрта даромад (йилига 1036-4045 доллар);
- ✓ ўрта-юқори даромад (йилига 4046-12535 доллар);
- ✓ юқори даромад (йилига 12 536 доллар ёки ундан кўп).

Натижада, ўртача паст даромадли мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистон учун камбағаллик чегараси бир кишига кунига 3,2 АҚШ доллари, юқори ўртача даромадли мамлакатлар учун эса кунига бир киши учун 5,50 АҚШ доллари этиб белгиланди. Барча қийматлар PPP ни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади<sup>1</sup>.

Мамлакатимиздаги аксарият миллий ўлчовлар ҳар ойда амалга оширилади ва кўпинча уй хўжаликлари ёки оилаларга тегишли бўлиб, одатда кунига бир киши учун қийматларни ҳисоблаш амалиёти қўлланилмайди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида “Маҳаллабай” иш тизимининг ташкил этилганлиги бу аслида камбағалликни қисқартиришнинг ностандарт усулларидан бири саналади. Мамлакатимизда мазкур масалага ўзига хос тарзда ёндашилмоқда, яъни илғор хориж тажрибасини пухта ўрганган ҳолда ички ижтимоий-иқтисодий имконият ва хусусиятлардан келиб чиқиб, ҳудудларда камбағалликни қисқартириш борасида комплекс ишларни амалга ошириш имкониятлари яратилмоқда.

Ушбу “Маҳаллабай” ишлаш тизими куйидаги устувор йўналишларни ўз ичига олади. Бунда оилаларнинг даромад манбаларини, шу жумладан, томорқа ерлардан фойдаланиш ҳамда даромадли меҳнатга бўлган интилиши ва эҳтиёжларини «хонадонбай» ўрганиш, банд бўлмаган аҳолининг, айниқса, ишсиз ёшлар ва хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш орқали уларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўргатувчи курсларга йўналтириш ва меҳнат фаолияти билан шуғулланишга амалий кўмаклашиш, ёшларнинг тадбиркорлик ташаббуслари ва стартап ғояларини янада қўллаб-қувватлашга қаратилган кредитлар ажратиш режалаштирилган.

Ҳар бир вилоятлар ва туманларда мавжуд маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари”ни (ихтисослашув йўналишларини) аниқлаш ва янги тадбиркорликни, шу жумладан, “драйвер” лойиҳаларни амалга оширишда ташаббускорларга кўмаклашиш ва шу орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш, мавжуд имкониятларни (бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ер майдонлари ва бандликнинг анъанавий соҳалари) ўрганиш кутилган самарали беради деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатимизда тадбиркорлик, инвестициявий ва рақобат муҳитини яхшилаш орқали самарадорлик ва даромадлилик тамойилларидан келиб чиқиб, тадбиркорларга сифатли хизмат кўрсатиш, маслаҳат бериш ва бизнес-режаларни тайёрлаш учун банкларнинг қуйи бўғин ходимларини тўлиқ қайта тайёрлаш орқали мижозга йўналтирилган хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур тизимнинг самарасига тўхталадиган бўлсак, “Маҳаллабай” ишлаш тизими асосида куйидаги ишлар амалга оширилди. Масалан, ҳар бир маҳаллани комплекс ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. “Маҳаллабай” ишлаш тизимини самарали ташкил этишни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Самарқанд вилояти Пастдарғом туманида эксперимент тариқасида “Маҳаллабай ишлаш маркази” ташкил этилди (йил якунигача вилоятнинг бошқа туман ва шаҳарларида босқичма-босқич ташкил этилади). Сўровномалар асосида 1,6 миллион нафар меҳнатга лаёқатли ишсиз аҳолидан 825,9 минг нафарининг ишлаш истаги борлиги аниқланди (380,8

<sup>1</sup>Ўша жойда

минг нафари, шундан, 149,1 минг ёшлар ва 140,7 минг хотин-қизлар бандлиги таъминланди).

Касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқиш истагини билдирган 176,4 минг нафар аҳолидан 92 минг нафари турли хил касб-ҳунарларга ўқитилди. Тадбиркорлик субъектларининг 60 мингга яқин муаммолари аниқланиб, улардан 29,8 мингтаси ҳал этилди. 148,8 минг тадбиркорлик субъектига 3,6 триллион сўм кредит ажратиш орқали 162,6 минг янги иш ўрини яратилди. Фойдаланилмай келинаётган 4,8 минг гектар томорқа ерлардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда “Маҳаллабай” ишлаш тизимининг электрон базасини ишлаб чиқиш ҳамда вазирлик ва идораларнинг ўзаро интеграциялашган ахборот алмашинуви тизимини яратиш ишлари олиб борилмоқда.

Ўтган давр мобайнида “Темир дафтар”га 594,9 минг оила ва уларнинг 2,5 миллион нафар аъзоси, шундан 659,1 минг нафар меҳнатга лаёқатли ишсиз оила аъзолари киритилган.

Вақтинчалик тартиб асосида “Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг 654,6 минг нафар ишсиз аъзолари бандлиги таъминлаш орқали 543,3 минг оила (91 фоиз) рўйхатдан чиқарилди.

Дафтарларга киритилган эҳтиёжманд аҳоли вакилларини қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус жамғармалар ташкил этилди. Мазкур жамғармаларда 851,9 миллиард сўм маблағ тўпланди. Унда “Темир дафтар”га киритилган оилалар учун 399,4 миллиард сўм, “Аёллар дафтари”га киритилганлар учун 223,1 миллиард сўм ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилганлар учун 229,4 миллиард сўм маблағлар жамғарилган.

Таъкидлаш керакки, жорий йилнинг январь – май ойлари давомида “Темир дафтар”га киритилган оилаларга 156,6 миллиард сўмлик ёрдамлар кўрсатилган. Жумладан, 19,2 миллиард сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 30,4 миллиард сўмлик пул маблағлари, 6,5 миллиард сўмлик дори-дармон воситалари, 3,5 миллиард сўмлик чорва моллари, 12,7 миллиард сўмлик парранда, тадбиркорлик қилиш учун 27,6 миллиард сўмлик асбоб-ускуналар ва 56,4 миллиард сўмлик бошқа ёрдамлар кўрсатилган.

Ҳозирги кунда 3 та жамғармада 434,9 миллиард сўм маблағ жумладан, “Темир дафтар”га киритилган оилалар учун 128,3 миллиард сўм, “Аёллар дафтари”га киритилганлар учун 145,6 миллиард сўм ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилганлар учун 160 миллиард сўм маблағлар мавжуд<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, “Темир дафтар”ни юритиш орқали ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир оилалар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича вақтинчалик тартиб тасдиқланди.

Унга кўра, “Темир дафтар”га киритилганларга қуйидаги йўналишларда ёрдам кўрсатилиши белгиланган. Томорқада енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, парранда, асалари, қуён, балиқ ва бедана боқишни йўлга қўйиш, “Томорқа хизмати” ташкилотлари ва “Дала дўконлари”ни ташкил этиш, деҳқончилик учун янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ердан 0,1 гектардан 1 гектаргача ер бериш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида имтиёзли кредитлар ажратиш, бизнес лойиҳалар тузишни ўргатишда ёрдам берилди. Ҳозирги кунда “Темир дафтар” ([saxovat.argos.uz](http://saxovat.argos.uz)) ахборот-таҳлил тизимидаги маълумотларни автоматлаштирилган тарзда шакллантириш учун тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизим ва маълумотлар базалари ҳамда “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” билан интеграция қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Ўрта ва узоқ муддатларда камбағалликни қисқартиришнинг стратегик мақсадларини белгилаш мақсадида Жаҳон банки ва БМТ тараққиёт дастури экспертлари билан биргаликда “2021-2030 йилларга қадар Ўзбекистон Республикасида камбағалликни

<sup>1</sup> [https://uza.uz/posts/ozbekistonda-kambagallikni-qisqartirish-boyicha-ishlar-qanday-natizha-bermoqda\\_275363](https://uza.uz/posts/ozbekistonda-kambagallikni-qisqartirish-boyicha-ishlar-qanday-natizha-bermoqda_275363)

қискартириш стратегияси” лойиҳаси ишлаб чиқилди.

**Хулоса ва таклифлар.** Юқоридагиларни инобатга олиб мамлакатимизда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш ҳамда қамбағалликни қискартириш мақсадида қуйидаги таклиф ва тавсияларни киритишни жоиз топдик:

- эҳтиёжманд аҳолига кўрсатиладиган ёрдам ва хизматлар турини кўпайтириш;
- малака кўникмаларини таҳлил қилиш орқали мавжуд тизимни янада такомиллаштириш;
- мамлакатда аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ижтимоий муҳофаза қилишнинг рақамли шаффоф тизимини яратиш ҳам ушбу тизим фаолиятини йўлга қўйиш;
- аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ижтимоий муҳофаза қилишнинг янги усул ва механизмларининг доимий ҳисобини олиб бориш орқали кутилган натижага эришиш.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелда “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сонли Фармон.
3. Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб – интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Т.: “Ўзбекистон”. 2017 й. 24 – бет.
4. Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
5. Ваҳабов А., Жумаев Н., Хошимов Э. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. Т., 2009. 23-бет.
6. Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Иқтисодиётга оид атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғати. Т., 2017. 221,256-бетлар
7. Тўхлиев Н. ва бошқ. “Ўзбекистон иқтисодиёти асослари”, Т.: 2005.
8. Беркинова Б.Б., Маматова Ф.Х. Макроиктисодий барқарорликни таъминлаш йўллари. – ТДИУ, 2011.
9. Абулқосимов Х.П ва бошқалар. Давлатнинг макроиктисодий сиёсати. Академия. 2007 й.
10. Н.М.Махмудов, А.Ҳ.Ҳақимов. Макроиктисодий барқарорликни мустақкамлаш – барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим шартидир. Иқтисодиёт ва таълим. 2017 й. №2. 7-11 бетлар.

<p><b>Х.Улашев</b></p> <p><b>Меры по достижению сокращения бедности через обеспечение макроэкономической стабильности</b></p> <p><b>Аннотация:</b> в данной статье описаны необходимость, цели и задачи обеспечения макроэкономической стабильности. Основной акцент в статье сделан на бедность и меры по избавлению от нее, разработаны предложения и рекомендации по снижению бедности.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> экономическая политика, макроэкономическая стабильность, государственный бюджет, национальная валюта, внутренний рынок, цена, население, национальный масштаб, доходы, экономика, промышленность, предпринимательство, инвестиции, конкуренция, эффективность, управление, качество, бизнес-план, социальная защита.</p>	<p><b>Kh.Ulashev</b></p> <p><b>Measures to achieve poverty reduction through ensuring macroeconomic stability</b></p> <p><b>Abstract:</b> this article highlights the need, goals and tasks of ensuring macroeconomic stability. The main emphasis in the article is on poverty and measures to get rid of it, proposals and recommendations for reducing poverty have been developed.</p> <p><b>Keywords:</b> economic policy, macroeconomic stability, state budget, national currency, domestic market, price, population, national scale, income, economy, network, entrepreneurship, investment, competition, efficiency, management, quality, business plan, social protection.</p>
---	---

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

06.03.2024 йилда теришга берилди. 29.03.2024 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0024А/30.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.